

Зиёгашимаси



ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

№2 (222) 2014 YIL, Fevral ISSN-2010-9393 1993 YIL, 21 MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN

2014 йил - Соғлом бола йили

Соғлом авлод - порлоқ келажатимиз

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 февралда Соғлом бола йили Давлат дастури бўйича ПҚ-2133 - сонли қарори қабул қилинди

Соғлом бола йили Давлат дастурининг мақсад ва аҳамияти, унда белги-ланган вазифалар қуйидагилардан иборат:

- Соғлом боланинг дунёга келиши масаласига, авваломбор, соғлом ва аҳил оиланинг меваси, маҳсули сифатида қараш. Оилада ўзаро ҳурмат ва меҳр-муҳаббат, юксак ахлоқий ва маънавий қадриятлар муҳитини шакллантириш, ёш оилаларнинг оёққа туриб олиши учун моддий ёрдам кўрсатишга биринчи даражали эътибор қаратиш. Аввало, оналик ва болалик химоясини таъминлаш, онанинг саломатлигини мустаҳкамлаш, аёлларнинг ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши, уларнинг кундалик рўзгор ташвишларини енгиллаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш масалаларига аҳамият бериш;

- Соғлом болани шакллантириш, гўдакларнинг камчилиги ва нуқсонларсиз туғилиши, бўлажак келин-куёвларнинг никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтишида аҳоли, айниқса, ота-оналарнинг тиббий маданиятини ошириш бўйича кенг миқёсдаги ахборот ва тушунтириш ишларини олиб бориш;

- Соғлом болани шакллантиришда таълим-тарбия тизими ва спортнинг ролини кучайтириш, уларни замон талабларига мувофиқ жиҳозлаш, юқори малакали педагогик ва ахборот коммуникация технологияларини амалиётга кенг жорий этиш, соғлом турмуш тарзини фаол тарғиб этиш, болалар, айниқса, қиз болалар ўртасида

жисмоний тарбия ва спортга меҳр уйғотиш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш;

- Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишда давлат ва жамият томонидан кўрсатиладиган ёрдам ва кўмакни кучайтириш, замонвий талабларга жавоб берадиган шарт-шароитлар яратишни таъминлаш ҳамда мазкур жараёнлар учун маъсул бўлган соҳа ва муассасаларни ривожлантиришга қаратилган маблағлардан фойдаланишнинг самарасини ошириш, соғлом болани тарбиялаш бўйича илғор ҳалқаро тажрибани кенг ўрганиш ва амалда жорий этиш;

- Соғлом болани, айниқса, қиз болаларни тарбиялаб вояга етказишда, замонвий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаши учун уларга кўмак бериш, болаларни турли тўғарақларга жалб этиш, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича маҳалла ва бошқа жамоат тузилмаларининг ролини ошириш, ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, оила ва жамиятда тинчлик ва осойишталикни, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, кам таъминланган оилаларда моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш борасида уларнинг масъулиятини кучайтириш;

- Соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлодни шакллантириш учун мавжуд қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, шу борада ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишга қартилган янги қоида ва меъёрларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратиш.

“Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!”

И. А. КАРИМОВ

Ёшларга оид давлат сиёсати

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қароридан келиб чиқадиган муҳим вазифалар.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда ўқувчи-ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятли, эркин фикрлайдиган, замонвий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан институт ректорининг буйруғи чиқарилди ва ушбу вазифаларни бажариш бўйича дастур ишлаб чиқилди. Ушбу дастурда қуйидаги энг муҳим йўналишлар белгиланди:

1. Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, уларнинг демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида фаоллигини ошириш;

2. Юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция,

кенг дунёқараш ва чуқур билимларга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларнинг турли маънавий таҳдидларга қарши иммунитетини шакллантириш;

3. Ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, замонвий касб-ҳунарни пухта эгаллаш учун муносиб шароитлар яратиш, уларни иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш;

4. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган ишларни тизимли йўлга қўйиш;

5. Ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, ёшлар орасида соғлом турмуш-тарзини тарғиб қилиш;

6. Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг олдини олиш;

7. Баркамол авлодни тарбиялашда оммавий-ахборот воситалари ва замонвий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш.

УШБУ СОНДА:

2-бет
МИСРАЛАРДА
ЙИҒЛАГАН
ШОИР

АРМ:
Китобхонга
тез ва қулай
усулларга
хизмат
кўрсатилади

3-бет

4-бет

Умр мисли бир
дарё экан

Навоийни англаш завқи



Муҳтарам Юртбошимиз «Юксак маънавият - енгилмас куч» асарида сўз мулкининг султони Ҳазрат Навоий ҳақида «Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султони» деган эди. Дарҳақиқат, Алишер Навоий даҳоси мана неча асрлар ўтсада ҳамон ҳаҳон ҳаҳон халқларини ҳайратга солиб келмоқда. Бу йил улуғ мутафаккир бобомиз таваллудининг 573 йиллиги кенг нишонланди.

5 февраль кунини институтимиз маданият саройида «Ўзбек адабиёти ва уни ўқитиш услубияти кафедраси» ташаббуси билан Ўзбек тили ва адабиёти факультети II босқич талабаларидан шакллантирилган «Наво» ҳамда «Фано» жамоалари ўртасида адабий баҳс бўлиб ўтди. Бунда жамоалар Навоий ҳаёти ва ижодий фаолиятига оид 3 шарт - ғазал таҳлили, «Заковат» интеллектуал саволлар шarti ва тезкор саволлар шартлари асосида ўзаро куч синашдилар. Шунингдек, Навоий ғазаллари ва улар асосидаги қўшиқлар куйланди. Тадбир сўнггида фаол иштирокчиларга фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғалари топширилди.

Фурқатжон ЖҶРАБОЕВ,
Ўзбек тили ва адабиёти йўналиши талабаси.

«Агар бу улуг зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султони дур».

Ислом Каримов



Миллий истиқлол туфайли маънавий қадриятларимизни ўрганиш, уларнинг миллатимиз маънавий ҳаётида тутган ўрнини холис баҳолаш имкониятларига эга бўлди. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек: «Инсонни, унинг маънавий оламини кашф этадиган яна бир қудратли восита борки, у ҳам бўлса, сўз санъати, бадий адабиётдир. Адабиётнинг инсоншунослик деб, шоир ва ёзувчиларни эса инсон руҳининг муҳандислари деб таърифланиши бежиз эмас». Демак, биз ёш авлод, аввало, шоир ва ёзувчиларимизнинг ҳаёти ва

Барҳаёт сиймо

ижодини ўрганиш орқали жамиятимизда яшайдиган инсонларни ўрганиш билан бирга ўзимизнинг ҳаётда тўғри йўлга тушиб, жамият учун, халқимиз учун керакли шахс бўлиб камол топишимизда адабиёт бир пиллапоя вазифасини ўташини ҳис қилмоғимиз лозим экан. Инсон ҳаётга келар экан, у ўз олдига аниқ мақсад қўймоғи, уни амалга ошириш учун эса изланиб, ўрганиб, ўқимоғи керак бўлади. Халқимизда «Бешиқдан қабргача илм изла» деган мақол бор. Бу бежиз эмас, чунки инсон умри давомида кўп бор ҳаётнинг паст-баландига дуч келади. Бундай вазиятлардан чиқиш учун эса инсоннинг тафаккури кенг, бой бўлиши керак бўлади. Тафаккуримизни эса Алишер Навоий қолдирган бой адабий мерос безайди.

Асрлардан асрларга, наслардан наслларга ўтиб халқлар дилида барҳаёт бўлиш камдан-кам инсонга насиб қилади. Ўзбек халқининг улуг шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ана шундай мўътабар ва мангу барҳаёт сиймолардан бўлиб, жаҳон адабиётининг буюк санъаткорларидандир. Дарҳақиқат, Алишер Навоийнинг номи ва мероси Гомер ва Данте, Рудакий ва Фирдавсий, Низомий ва Шота Руставели, Саъдий ва Жомий, Шекспир ва Бальзак, Пушкин ва Толстой, Рабиндранат Тагор ва Пабло Неруда каби улкан сўз санъаткорларининг номи ва мероси каби ўлмасдир.

Алишер Навоий ўзидан бир-биридан гўзал «Хазойин ул-маоний», «Девони Фоний» девонлари билан бирга «Муншаот», «Вақфия», «Хамсат ул-мутаҳаййирин», «Мажолис ун-нафоис», «Муҳокомат ул-луғатайн», «Мезон ул-авзон», «Муножот», «Хамса», «Арбаин хадис», «Насойим ул-муҳаббат», «Маҳбубул-қулуб», «Сирож ул-муслимийн», «Назм ул-жавоҳир», «Ҳолоти Саид Ҳасан Ардашер», «Лисон ут-тайр», «Муфрадот», «Тарихи мулки Ажам» каби ҳилм ва ҳаё бўстонларини сизу бизга мерос қолдирди.

Улуг бобомиз Алишер Навоийнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда унинг замондошлари томонидан яратилган асарлар катта аҳамиятга эга. Буларга Хондамирнинг «Мақорим ул-ахлоқ» («Яхши хулқлар»), «Ҳабиб ус-сияр» («Суюкли хислатлар»), «Хулосат ул-ахбор» («Воқеаларнинг хулосаси»), Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро» («Шоирлар тазкираси») асарлари, Бобурнинг «Бобурнома»си, Зайниддин Восифийнинг «Бадойи ул-вақое» («Гўзал воқеалар») китоби ва бошқа манбаларни киритиш мумкин. Шу билан бирга Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳо», «Хираднома Искандарий», «Баҳористон» каби асарларида ҳамда бошқа муаллифларнинг китобларида Навоийнинг фаолияти ва ижодига доир муҳим маълумот, таъриф ва баҳолар берилган. Шундай экан, биз у улуг устоз ҳақида бир янги сўз айтишимиз мушкул.

Алишер Навоий асарлари ҳақида сўз кетганда шуни таъкидламоқ жоизки, унинг яратган барча асарлари бир бутунликда ҳаёт қомуси вазифасини ўтайди. Бинобарин, ҳар бир ҳаётий масала, инсонга хос қадрият, туйғулар, фазилат ва иллатлар борки, унинг назаридан четда қолмаган. Президентимиз ҳам бу ҳақда ўз муносабатини билдириб ўтган: «Буюк гуманист шоиримиз фаолияти ва ижодига теран назар ташласак, унинг даҳоси ижтимоий ҳаётнинг, мафкура ва маданиятнинг барча соҳаларини қамраб олганидан ҳайратга тушамиз».

Дарҳақиқат, Алишер Навоийнинг биргина «Хамса»сини ташкил қилувчи дostonларнинг ҳар бири юксак маънавият ва бадийят қонунларига тўла амал қилинган ҳолда ёзилганини ҳисобга олсак, унинг меросини ташкил этувчи асарлар қанчалик бой ва гўзал бўлиш билан бирга, ўзбек тилининг бор нафосатини ўзида ифода қилган мукамал асарлар эканлигига яна бир қарра шохид бўламиз.

Улуг мутафаккир яратган асарларнинг ҳар бири асрлар оша неча-неча авлодларни халқпарварлик, инсонпарварлик, ватанга садоқат, зулмга нафрат, маърифатпарварлик, юксак маънавий-ахлоқий руҳда тарбиялаб келди ва тарбиялашда давом этмоқда.

Алишер Навоий ҳақидаги рус шарқшуноси, академик Николай Конраднинг эътирофи юқоридаги барча фикрларимизни далиллади: «Дунёда Алишер Навоийдек шоир борлиги учун ҳар қанча қувонсак арзийди. Бизга шундай шоирни инъом этган ўзбек халқига буюк ташаккуримизни айтамыз. Биз бу шоирни нафақат ўрганамиз, балки унинг асарларини қўлимиздан қўймасдан ўқиймиз, муталаа қиламиз. Нафақат ўқиймиз, айти пайтда унинг беназир ижоди ҳақида ўйлаб, мушоҳада юритамиз. Уни ўз шоиримиз сифатида ардоқлаймиз. Унинг буюк бир Уйғониш давридан бошқа бир Уйғониш даврига етиб келгани янада улкан тарихий маъно ва аҳамиятга эгадир...»

Демак, бугунги кунда ҳам, ёшларнинг маънавий тарбиясида Алишер Навоий маънавий меросидан тўлиқ ва оқилона фойдаланиш самаралидир. Зеро, бугунги куннинг баркамол инсони ўз халқи, Ватани тарихини, урф-одатларини, уларнинг моҳиятини чуқур билмоғи зарур.

Нодира СОАТОВА,
Ўзбек адабиёти ва уни ўқитиш
услугияти кафедраси доценти.

Толеъ йўқки жонимга баҳолиг бўлди,
Ҳар ишники айладим хатолиг бўлди.
Ўз ерни ташлаб ҳинд сори юзландим,
Ё Раб, нетайин не юз қаролиг бўлди.
Заҳириддин Муҳаммад Бобур

Мисраларда йиғлаган шоир

1492 йил. Тарихда ўзининг тенгсиз жасоратлари билан ном қолдирган буюк давлат арбоби, бутун туркий халқлар мумтоз адабиётига катта ҳисса қўшган нозик дидли ижодкор, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таҳликали, бир қадар шарафли, бир мунча изтиробли ҳаёт йўли шу кундан бошланган эди. Тарихдан маълумки, Темурийзода Умаршайх Мирзо Аҳси шаҳридаги қалъасида фожиавий ҳалок бўлгач, унинг тахти 12 ёшли Бобур Мирзога қолади. Шундан сўнг Бобур бир неча бор бобокалони Амир Темур пойтахти Самарқандни қўлга киритди. Лекин, афсуски, ҳар гал шаҳарни узоқ муддат идора қилиш унга насиб этмади. Шуни эътироф этиш жоизки, тарихда ҳеч бир саркарда Бобурчалик тақдир ўйинларига дуч келмаган. 1504 йилда Самарқандни ташлаб чиққан, Андижондан қувилган улуг шоирнинг кейинги тақдирини Ватандан айрилиқда ўтди. Бобур Мирзонинг қизи Гулбаданбегим ўзининг «Хумоюннома» асарида хусусан шундай дейди: «...жами 250га яқин киши, пиёда, елкаларида чолон, оёқларида чорик... Худога таваккал қилиб Бадахшон ва Қобулга йўл олдилар». 1504 йилда Бобур Қобулга боради ва бу ерда ҳокимиятни эгаллайди. Шу ўринда қизиқ савол туғилади: Бобур Мовароуннаҳрга қайтиш ниятидамиди?



Албатта, унинг юзлаб газал-у, рубоийларида Ватан соғинчи уфуриб туради. Бобур саркарда бўлиш билан биргаликда, аввало, юраги Ватан меҳри билан ураётган нозик дидли ижодкор эди. Шундай экан, айтиш мумкинки, Ватан ҳижрони Бобурни бир лаҳза бўлсада тарк этмаган. Мисол тариқасида унинг бир рубоийсини келтириб ўтсак.

Беқайдмену хароби сийм эрмасмен,
Ҳам мол йиғиштирур лаим эрмасмен.
Қобулда иқомат этти Бобур дерсиз,
Андоқ демангизларки, муқим эрмасмен.

Бу рубоий Бобур Қобулнинг идорасига тутинган дамлари битилган. Рубоийда у Қобулда узоқ туриб қолиш фикрида эмаслигини таъкидлайди. Айрим тарихшунослар бу рубоийдан келиб чиқиб, 1510 йилгача, яъни Самарқандга сўнгги юришидан олдинроқ ҳам Бобур Ҳиндистонда давлат барпо қилиш фикрида бўлган, деган фараз билдиришади. Эҳтимол, аммо шундай бўлса, нима сабабдан Бобур 1510 йилда, Шайбонийхон вафотидан сўнг қайта Самарқандга юриш қилди? Рубоийдаги «муқим эрмас»лик сабаби Ватанга қайтишга бўлган илинж эмасмикан?

Яна бир жумбоқли ҳолат: 1512 йилги Фиждувондаги жангдан сўнг Бобур Мовароуннаҳрдан тўла кўнгил узиб Қобулга қайтади ва 1526 йилга қадар уни бошқаради. 1526 йилда Панипатдаги жангга зафар қучиб, Ҳиндистонни забт этган Бобур, бу ерда йирик империяга асос солди. Лекин гап бунда эмас, ажабланирлиси шундаки, 1528 йилда Балхга, 1529-1530 йилларда Бадахшонга қўшин юборган (Бу қўшинга Бобурнинг катта ўғли Хумоюн Мирзо бошчилиқ қилган). Бу юришдан Бобур мазкур худудларни итоатга киритиш ва шу йўл орқали Мовароуннаҳрга қайтишни кўзлаган бўлса, эҳтимол.

Лекин, афсуски, Бобурнинг 1530 йилнинг баҳорига тўсатдан оғир дардга чалиниши унинг жуда кўп режалаштирган ишларини амалга оширишга йўл бермади.

Бобурнинг ўлими хусусида ҳам турлича қараш ва тахминлар мавжуд. Уларнинг ичида кенг тарқалгани Хумоюннинг хасталаниши ва Бобур дилбанди хасталигини ўзига тилаб олиши билан боғлиқдир. Бобур ўзининг «Бобурнома» асарида бу ҳақда қуйидагича айтиб ўтган: «Хумоюннинг мендин ўзга яхшироқ нимараси йўқ. Мен ўзим тасаллуҳ бўлайин, Худой қабул қилсун. Уч қатла бошининг ўргулиб, дедимким, мен кўтардим ҳар не дардин бор. Ушал замон мен ноҳуш бўлиб йиқилдим, у енгил бўлди». Ислом динида бировга келган мусибатни Аллоҳдан тилаб олиш удуми мавжуд. Бинобарин, Бобурнинг бевақт ўлимига берилган бу изоҳда ҳам қайсидир маънода жон бор. Лекин бир жиҳатдан олиб қаралганда Хумоюннинг касалланиши ва Бобур ўлими ўртасида анча муддат ўтган. Хумоюн март 1530 йилнинг март ойида касалланган бўлса, Бобур декабрда вафот этади. Тадқиқотчи олим Умид Бекмуҳаммад Бобур ўлимининг Малика Байда (Иброҳим Лўдийнинг онаси) томонидан заҳарланиш воқеаси билан изоҳлайди. Гулбаданбегимнинг «Хумоюннома»сида ёзилишича, Бобурнинг Ҳиндистондаги энг катта рақиби Иброҳим Лўдий бўлиб, Бобур Панипатда уни енггач, ҳокимиятни тўлиқ қўлга олади. Лекин, лўдийзода малика Байдага инсоф ва диёнат кўрсатиб(!): «Сиз менинг ҳам онамсиз, мени ўз ўглингиз қаторида кўринг», - дея ултифотлар қилган. Ҳатто, унга махсус қаср бунёд эттиради. Лекин малика Байда ўглининг хуни учун Бобурдан қасд олмоқчи эди. Бу фитнага Бобурнинг хос ошпази Аҳмад Чашнағирни ҳам жалб этади. Гарчи Бобур заҳарланган нондан жуда оз миқдорда танавул қилган эса-да, оғу ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Айниқса, 1530 йилнинг июль-ноябрь ойларида бутунлай тўшакка миҳланиб қолади. Натижада валиаҳд Хумоюн ҳокимият идорасига тутинади.

Алалхусус, буюк саркарда, етук ижодкор Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1530 йилнинг 26 декабрида, 47 ёшида вафот этди. Унинг шу қисқагина умри давомида яратган нодир илмий асарлари, гўзал рубоий ва газаллари ҳамда «Бобурнома» қомусий-хотира мемуари абадул абад жаҳон маданияти сандигидан ўрин олди. Унинг маданият ва маърифат олдидagi хизматлари, ободончилик йўлидаги ишлари, миллатлар ўртасидаги бағрикенглик хислатлари жаҳон халқлари қалбида мангу қолди. Бу йил бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 531 йиллиги жаҳон миқёсида кенг нишонланмоқда. Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳридаги собиқ Скотланд марказий шох кўчасига улуг шоир чексиз фахр ҳиссини уйғотади.

Орифжон ОДИЛОВ,
Ўзбек тили ва адабиёти
йўналиши талабаси.

АРМ: Китобхонга тез ва қулай усулларда хизмат кўрсатилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика аҳолисини ахборот - кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори амалда

Мухбиримиз институт Ахборот-ресурс марказининг янгидан тайинланган раҳбари Комилжон Исаев билан суҳбатлашиб, ундан АРМнинг китобхонларга кўрсатаётган хизматлари ва бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

- Аввало марказнинг моддий - техника базаси ҳақида маълумот берсангиз. У бугунги китобхон талабаларни қондира оладими?

- Бугунги шиддатли тараққиёт асрида фан - техника ва технологиялар жадал ривожланган, жамият ҳаётининг барча соҳаларига автоматлашган технологиялар жорий этилмоқда. Бундай технологиялар Ахборот - ресурс марказлари фаолиятида ҳам кенг қўлланилмоқда. Чунки, замонавий кутубхона муҳим ахборот маркази бўлиб, унда ахборот манбаларидан эркин фойдаланиш, китобхонларни қизиқтирган маълумотларни тез ва қулай усулда тақдим эта олиш имкониятлари яратилган бўлиши лозим.

Барча фан соҳаларида билимларнинг тез янгиланиб бориши таълим олувчилар олдида уларни жадал эгаллаш билан бирга мустақил билим олиш вазифасини ҳам қўймоқда. Бундай вазифаларни самарали ҳал этишда Ахборот - кутубхона ва Ахборот - ресурс марказлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

2006 йил 20 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика аҳолисини ахборот - кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ 381-сонли Қарорига мувофиқ институтимиз фундаментал кутубхонаси Ахборот - ресурс марказига айлантирилди ва Арнасой, Фориш, Мирзачўл, Бахмал, Ғаллаорол туманлари ҳамда Жиззах шаҳар кутубхоналарини ўз таркибига бирлаштирди. Бугунги кунда институт Ахборот - ресурс маркази (АРМ)нинг мазкур тармоқлари туман аҳолисининг барча қатламларига ахборот - кутубхона хизматини кўрсатиб келмоқда. Ахборот - ресурс марказлари моддий техник жиҳозлар билан етарлича таъминланган. Жумладан, жами 75 та компьютер, 3 та сканер, 2 та принтер фойдаланувчилар учун хизмат қилмоқда. Компьютерлар корпоратив тармоққа шунингдек, Интернет ва Ziyonet тизимларига уланган.

Институт Ахборот - ресурс маркази қошида 8 та ички бўлим, 6 та тармоқ кутубхонаси (юқорида келтирилган туманлар ва Жиззах шаҳри Ахборот - ресурс марказлари) мавжуд. Талабалар турар жойида ҳам институт Ахборот - ресурс маркази тармоғи, яъни кутубхона ташкил этилган бўлиб, бу тармоқ 30 ўринга мўлжалланган ва 1438 та китоб фондига эга.

Хизмат кўрсатиш бўлимида ўқув фанлари бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалар

жамланган. Китоблар талабаларга 10 - 15 кунлик муддатга уйда фойдаланиш учун берилди. Китобхон уйга оладиган нашрлар Ахборот - ресурс марказидан фойдаланиш қондаларига мувофиқ берилди.

- АРМ тизимида, марказ ички бўлимларининг иш услубига қандай янгилликлар киритилмоқда? Жумладан, автоматлаштирилган тизим (КАРМАТ) ҳақида маълумот берсангиз.

- Китобхонларга замонавий талаблар даражасида хизмат кўрсатиш мақсадида «Электрон дарсликлар ва мультимедия» бўлими ташкил этилган. Бу бўлим 2 та компьютер синфидан иборат бўлиб, жами 48 та замонавий компьютер билан таъминланган. Бўлимда бир вақтнинг ўзиде 80 та китобхонга хизмат кўрсатилади. «Электрон дарсликлар ва мультимедиялар» бўлимидаги компьютерлар хотирасига фанлар бўйича 5849 та электрон дарсликлар, ўқув услубий адабиётларнинг электрон вариантлари, адабиётларнинг электрон версиялари ва мультимедиялар киритилган. Бўлим ходимлари махсус Корпоратив Ахборот - ресурс марказининг автоматлаштирилган тизими (КАРМАТ) дастури асосида иш олиб бордилар. Бўлимда 7110 номдаги китобнинг библиографик ёзувлари КАРМАТ дастурига киритилган. Ушбу дастур орқали китобхон исталган китобни тезлик билан топиб, унинг тўлиқ матнли электрон вариантдан фойдалана олади. Агарда изланаётган маъна фондда мавжуд бўлмаса, исталган бошқа олий ўқув юрти базасидан топиши мумкин.

КАРМАТ ахборот - кутубхона муассасаларидаги асосий ахборот жараёнларини автоматлаштиришга мўлжалланган. Тизимнинг ички формати MARC 21 формати асосида яратилган. Тизим интерфейси уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз) яратилган. Тизимдан фойдаланиш қулай бўлиб, у қуйидаги афзалликларга эга:

1. Корпоратив каталоглаштириш технологиясининг мавжудлиги: тайёр библиографик ёзувлардан фойдаланиб тез ва сифатли ўз электрон каталог базасини шакллантириш имкониятини яратди;

2. Тизимда китобхонларга масофадан хизмат кўрсатиш технологиясининг амалга оширилганлиги: китобхонларнинг бевосита кутубхонага келмасдан электрон каталогдан фойдаланиб ва фойдаланмай буюртмалар бериш, буюртмаларни қабул қилинганлиги, уларнинг

4. Тизимдан фойдаланувчилар учун содда ва барчага тушунарли тилда мультимедияли услубий қўлланма яратилган.

Бугунги кунда мазкур бўлим фондидаги тўлиқ матнли электрон дарсликлар сони 245 тага етди.

Институт қошидаги Ахборот - ресурс марказининг «Адабиётларни жамлаш ва қайта ишлов бериш» бўлими фондни бойитиш ва китобхонлар эҳтиёжини тўлароқ қондириш мақсадида марказий нашриётлар билан ҳамкорлик алоқаларини олиб боради. «Шарқ», «Ўқитувчи», «Адолат», «Маънавият» нашриётлари шулар жумласидандир. Ўтган 2013 йил давомида институт Ахборот - ресурс марказлари фонди 3648 та янги адабиётлар билан бойитилди. Айни пайтда АРМ нинг умумий фонди 122639 тани, туман тармоқлари билан биргаликда жами 202148 тани ташкил этади. Бугунги кунда АРМ дан фойдаланувчилар учун жами ўриндиқлар сони 352 тага етди.

АРМ да китобхонларга хизмат кўрсатишнинг турли шакллари йўлга қўйилган. Жумладан, услубий бўлим томонидан ялпи хизмат кўрсатиш, гуруҳли хизмат кўрсатиш борасида оммавий, маънавий - маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда. Адабий кечалар, китобхонлар конференциялари, давра суҳбатлари, янги адабиётлар тақдироти каби тадбирлар шулар жумласидандир. Жорий йилнинг 14 январь кунини Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият факультети 2 - курс талабалари билан ўтказилган «Мардлар қўриқлайди Ватанни!» мавзусидаги, 27 январь кунини «Янги адабиётлар сизлар учун!» мавзусидаги тақдирот, 3 февраль кунини Педагогика - психология факультети талабалари билан «Шеъринг мулкнинг султони», «Бобур - шоҳ ва шоир» мавзусида ўтказилган тадбирлар фикримиз далилидир.

Услубият бўлими томонидан АРМ фаолиятига доир услубий тавсиялар ишлаб чиқилиб, туман тармоқларига етказилмоқда. Ҳар ойда услубий кенгаш йиғилиши

АРМ нинг илмий бўлимида битирувчи курс талабаларининг 6592 на бакалавр даражасини олиш учун ёзган малакавий битирув ишлари ва илмий тадқиқотчиларнинг 249 та авторфератлари сақланади. Бу бўлимдан барча талабалар ва илмий тадқиқот олиб боровчилар фойдаланишлари мумкин.

АРМнинг «Услубий мажмуалар» бўлимида институт профессор - ўқитувчилари томонидан тайёрланган маъруза матнлари жамланган бўлиб, бу талабаларнинг дарс тайёрлашлари учун қулай имконият яратди.

АРМнинг «Даврий нашрлар» бўлимида охириги 5 йиллик газета ва журналлар жамламаси сақланади. Бу бўлим ҳам талабаларнинг мустақил шуғулланишларига, қўшимча маълумотлар олишларига яқиндан ёрдам беради.

2013 йил якунига кўра, АРМ дан фойдаланувчи китобхонлар сони 6888 тани, туман тармоқларидаги китобхонлар сони 10165 тани ташкил этди.

АРМда йили пайтда 54 та ходим фаолият кўрсатмоқда. Улардан 25 таси олий маълумотли, 25 таси ўрта - махсус маълумотга эга. Шу жумладан, кутубхона мутахассислиги бўйича 9 та олий маълумотли, 12 та ўрта махсус маълумотли ходимлар иш олиб бормоқда.

- АРМ ходимларининг малакасини ошириш, хизмат маданиятини янада юқори савияга кўтариш керак, назарингизда.

Институт Ахборот - ресурс марказида ходимларнинг касб малакасини ошириш ишлари ҳам режа асосида олиб борилмоқда. Жумладан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2013 йил 16 ноябрдан




5 декабрга қадар масофавий таълим шаклида ташкил этилган ўқув курсида АРМ нинг 24 нафар ходими иштирок этди ва курс юзасидан тест синовларини муваффақиятли равишда топширдилар.

Институтдаги кўзи ожиз талабаларга хизмат кўрсатиш мақсадида Жиззах вилоят кўзи ожизлар Ахборот - ресурс маркази билан ҳамкорлик шартномаси тузилган бўлиб, бўртма нуқтали адабиётларни кўчма кутубхона тарзида олиб келиш йўлга қўйилган.

Ахборот - ресурс маркази 2007 йилда институт маъмурияти томонидан тасдиқланган Низом ва йўриқномаларга мувофиқ, замон талаблари асосида китобхонларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда уларга самарали хизмат кўрсатишни ўз олдларига мақсад қилиб қўйган.

- Мазмунли суҳбатингиз учун таъаккур.

Суҳбатни А. Шарипов олиб борди.



ўтказилиб, институт Ахборот - ресурс маркази ва унинг туман тармоқларида олиб борилаётган ишлар таҳлил этилиб борилади.

Китобхонларга Ахборот - библиографик маълумотларни етказиш борасида «Кафедралар кунини», «Ахборотлар кунини» каби тадбирлар ҳам режа асосида ўтказилмоқда. АРМ дан фойдаланувчиларга йил давомида 145 та библиографик маълумот берилди. Шунингдек, китобхонларни кундалик янгилликлар билан таништириб бориш мақсадида АРМ нинг 2 - ўқув залида газета ва журналлар жамламаси ташкил этилган.



бажарилиши тўғрисидаги ахборотларни олиш имкониятини яратган;

3. Тизим ишлатиш учун жуда қулай бўлиб, у Ўзбекистон кутубхоначиларининг бугунги кундаги малака ва кўникмаларини эътиборга олиб яратилган;



